

## ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁДАН ТИКЛАНГАН ТОЛА ОЛИШ ЖАРАЁНИ ТАҲЛИЛИ

М3-16 гуруҳи магистранти И.Каримов  
Илмий раҳбар, т.ф.д. Ш.Ш.Хақимов



*Ишлатилган ва истеъмолдан чиққан ва ўз вазифаси бўйича ишлатилмайдиган толали материаллар иккиламчи хом ашё деб аталади. Тўқимачилик саноати чиқиндиларини қайта ишлашда, яъни улардан тикланган толалар олишда, аксарият ҳолда махсус ускуналардан фойдаланилади. Ишлатилган маиший тўқимачилик буюмларидан олинган қайта тикланган толалардан сифатли ип ва газламалар олиниб катта иқтисодий самарадорликга эришилади.*

*The material which is not in use is called lateral raw material. The special technics and machines are used in reworking textile industry waste in getting fibers. Used hoiserg textile goods fibers give qualified produces as fabrics, yarns, the result is effective in economics.*

Табиий толадан ишлаб чиқарилган кийимлар, маиший ва техник газламалар ўз хизмат вазифасини ўтагандан кейин қайта ишланиб тикланган тола олинади. Тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарида ҳам газлама кийимлари чиқади. Ишлатилган ва истеъмолдан чиққан ва ўз вазифаси бўйича ишлатилмайдиган толали материаллар ва буюмлар иккиламчи хом ашё деб аталади. Республикамизда ишланиб бўлинган 100 минг тоннагача иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш учун йиғиш имкони бор.

Шунинг учун ҳам табиий толали ишланиб бўлинган газламалар таснифини ўрганиб, уларни қайта ишлаш техника ва технологиясини таҳлил қилиш, такомиллаштиришни тадқиқ этиш долзарб вазифадир.



Тикланган толалар кенг қўламда ишлатилади, улардан кенг турдаги маиший ва техник матолар ишлаб чиқарилади. Тикланган тола тўқимачилик саноати учун қимматли хом ашё ҳисобланади. Ундан «тоза» ҳолда, яъни бирламчи хом ашё қўшилмаган ҳолда ва аралашма тарзда фойдаланилади. Нотўқима мато ишлаб чиқарилишида ҳар хил турдаги матолар. линолеум таглиги, геотўқима материал, филтрлар ва оёқ кийими матолари, техник матак ва х.к. материаллар олинади. Бу материалларда иккаламчи тикланган толалар 80–90% ташкил этади. Нотўқима матолар яхши акустик ва механик хусусиятларга эга.

Ишлатилиб бўлинган табиий толали газламаларни таснифлашда уларнинг пайдо бўлиши, таркибидаги тола тури инобатга олинади. Пахта толаси олиниши мумкин иккиламчи хом ашё ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндиларга бўлинади. Улар ҳар бир саноатда келиб чиқиши ва хоссаларига мувофиқ турли синфларга ва турларга бўлинади. Пахта толасини йиғириб ип олиш ва ундан мато тўқишда ажралиб чиқадиган чиқиндилар олтита гуруҳга, бир неча турларга ва стандартларга ажралатилади [1]. Тикувчиликда кийимлар чиқинди сифатида ажралиб чиқади ва улардан турли мақсадларла фойдаланилади. Улар пайдо бўлиши, толанинг тури, қайта ишлаш технологияси ва ишлатилиши бўйича бир-бирдан фарқланади

Иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш технологияси ўтган асрнинг бошларидаёқ амалга оширила бошланган. Амалда иккиламчи хом ашёни қайта ишлашда махсус яратилган ёки корхоналардаги мавжуд ускуналардан фойдаланилади. Тўқимачилик саноати чиқиндиларини қайта ишлашда, яъни улардан тикланган толалар олишда, аксарият ҳолда махсус ускуналардан фойдаланилади. Изланишлар таҳлили иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш учун хорижда махсус ускуналар туркуми яратилган [2].


Россияда ишлаб чиқарилган РМО-1 кесувчи машинаси, ЦМ-50, ЦМШ, МЛУ-800 ҳамда Польшада ишлаб чиқарилган АС-116, АС-12, АС-301 русумли титувчи машиналар, Ч-11-200Ш русумли тараш машиналар шулар жумласидандир.

Францияда ишлатилган маиший тўқимачилик буюмлари, нотўқима матолар, газламалар, трикотаж буюмларидан олинган қайта тикланган толалардан пневмомеханик



улда юғонлиги 50 текс ва ундан юқори булган ип ишлаб чиқариш технологияси йул қўйилган [2].

Германияда йиғириш чиқиндилари тикланган толаларидан ип олиш технологияси юқори ривожланган. Мазкур технологияда (1-расм) ип колдиклари тўрт, олти барабанли қозикли чимдиш машинасида узилади, титилади ва толаларга ажралади. Олти барабанли машинада толаларни титиш самарадорлиги ошиб, ипнинг толаларга ажралмаган булакларини кескин камайиши аниқланган. Тадқиқотлар таҳлили қайта тикланган толаларни бирламчи толага қўшилиб ип ишлаб чиқаришда ипнинг сифат кўрсаткичи пасаймайди.





**1-расм. Тикланган тола олиш ускуналар мажмуаси  
1-иккиламчи маҳсулот бункери, 2-титгич, 3-тола ҳосил қилиш барабанлари**

Бу технологиядаги ускуналар мажмуаси қиймати жуда қиммат бўлиб, уларга сарфланган маблағ қиймати 4-5 йилни ташкил этади. Республикамиз мустаққиликга эришгандан сўнг машинасозлик корхоналарида замонавий металлга ишлов берувчи станоклар парки шакллантирилди. Шунинг сабабли, иккиламчи хом ашёга ишлов берувчи технологик ускуналарни республикамизда ишлаб чиқариш имкони бор. Бунинг учун бу ускуналар тузилишини ўрганиш ва конструкцияларини яратиш зарур.


Республикамизда тикланган тола олиш технологик ускуналарини такомиллаштириш ва янгиларини яратиш учун қўйидаги вазифалар белгиланди:

- Иккиламчи хом ашё турларини ўрганиш;
- Толали чиқиндиларни қайта ишлаш техника ва технологиясининг ҳолатини ўрганиш ва уни такомиллаштиришни асослаш;
  - Иккиламчи хом ашё хоссаларини таҳлил қилиш;
  - Тикланган толаларнинг хоссаларини ўрганиш;
- Тола тиклаш жараёнини тадқиқ этиб, иккиламчи маҳсулотни қайта ишловчи усқунани конструкциясини ишлаб чиқиш;
- Тола тиклаш жараёнидаги асосий рационал технологик кўрсаткичларни мавжуд машиналарда амалда аниқлаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Таклиф этилган иккиламчи маҳсулотни қайта ишловчи усқунанинг рационал технологик кўрсаткичларини аниқлаш;
  - Тикланган толадан маҳсулот олишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун 2-расмда кўрсатилган иккиламчи маҳсулотни тикланган тола ҳолатига келтирувчи усқуна таклиф этилди. Изланишнинг



Динги босқичларида бу ускунанинг конструкторлик хужжатлари, унинг лаборатория нусхаси яратилади. Бу лаборатория нусхасида ускунанинг рационал технология кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилади.



**2-расм. Иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш ускунаси**  
**1-кондесор, 2-диафрагма, 3-таъминлагич, 4-аррали цилиндр, 5-колосник,**  
**6-кондесор, 7-диафрагма**

Хулоса

Табиий толадан ишлаб чиқарилган газламалардан ўз хизмат вазифасини ўтагандан кейин олинадиган тикланган тола тўқимачилик саноати учун қимматли хом ашё ҳисобланади. Улардан фойдаланиш иқтисодиёт учун катта аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Д.А.Полякова ва бошқалар. Отходы хлопчатобумажной промышленности. Справочник. М. Легпромбытиздат. 1990 й.
2. Н.М.Петканова ва бошқалар. Переработка текстильных отходов и вторичного сырья. М. Легпромбытиздат. 1990 й.